O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI

BUYRUQ

20 13 йил "27" 12 №193

Тошкент ш.

Асосий дори воситалар рўйхати ва Вояга етмаганлар учун асосий дори воситалар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида

Даволаш-профилактика муассасалари учун дори воситаларини харидида бюджет маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда даволаш-профилактика ёрдамининг сифатини янада яҳшилаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Асосий дори воситалари рўйхати 1- иловага ва Вояга етмаганлар учун асосий дори воситалари рўйхати 2- иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2014 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга киритилсин.

2. Даволаш – профилактика ёрдамини ташкиллаштириш Бош бошқармаси бошлиғи Д.Б.Миразимов, Оналик ва болаликни мухофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи С.И.Исмаилов, Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси бошлиғи Х.К. Джалиловларга:

- Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош мутахассислари билан биргаликда бир ой муддатда стационар ва амбулатор даволаш-профилактика муассасалари учун дори воситалари формулярларини асосий дори воситалари рўйхати асосида қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим этиш вазифаси топширилсин.

008157

3. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари раҳбарларига:

- ушбу буйруқ матни билан, тасдиқланган Асосий дори воситалар ва Вояга етмаганлар учун асосий дори воситалар рўйхатлари ҳамда даволаш – профилактика муассасалари учун дори воситалари формулярлари зарур миқдорларда кўпайтирилиб, ўз тасарруфларидаги даволаш-профилактика, санитария-эпидемиология назорати муассасаларига етказиш таъминлансин;

- барча даволаш-профилактика муассасаларининг раҳбарлари ушбу буйруқнинг ижросига бевосита масъул этиб тайинлансинлар;

- ҳудудлардаги даволаш-профилактика муассасалари томонидан бюджет маблағлари ҳисобига дори воситаларини харид қилиш, Доимий фаолиятдаги ҳайъат аъзолари иштирокида қатьиян муассасалар учун формулярларига асосан амалга оширилсин;

- илова қилинган Асосий дори воситалар рўйхатларига киритилмаган, 2013 йилнинг 1 январигача сотиб олинган ва даволаш профилактика муассасалари ҳамда иккинчи гуруҳ ашёлари заҳираларида мавжуд бўлган дори воситаларини яроқлилик муддатлари тугагунга қадар тиббиёт амалиётида қўлланилишига руҳсат берилсин.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси бошлиғи Х.К. Джалиловга:

- ушбу буйруқ матни ва у билан тасдиқланган Асосий дори воситалар ва Вояга етмаганлар учун асосий дори воситалар рўйхатлари ҳамда муассасалар учун дори воситалари формулярлари электрон шаклларда ёки босма шаклда кўпайтирилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармаларига, республика миқёсидаги даволаш-профилактика муассасаларига, илмий-текшириш институтлари ва тиббиёт олий ўқув юртлари клиникалари марказларига ҳамда сиҳатгоҳларга етказиш таъминлансин.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Назорат инспекцияси бошлиғи А.А.Содиқовга:

- даволаш-профилактика муассасаларида ажратилган бюджет маблағлари хисобига дори воситаларининг формулярлари асосида хариди бўйича доимий назорат амалга оширилсин.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Иккинчи бошқарма бошлиғи С.М.Юлдашевга:

- ушбу буйруқда кўрсатилган талабларнинг ўз тасарруфидаги тегишли қисмлар томонидан бажарилиши назоратга олинсин.

7. Матбуот хизмати бошлиғи Ф.Ч.Санаев, Соғлиқни сақлашни электрон ривожлантириш "UŻMEDINFO" Маркази директори М.В.Боймухамедов ва Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси бошлиғи Х.К.Джалиловга:

ушбу буйруқ матнини Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ва Бош бошқарманинг веб сайтларига жойлаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2011 йил 30 декабрдаги 342-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари А.А.Худаяров зиммасига юклатилсин.

Вазир **А.В.Алимов**